



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2023-yil oktyabr soni №10 (48)

Toshkent-2023

O‘ZBEKISTON MILLIY AXBOROT AGENTLIGI – O‘ZA ILM-FAN BO‘LIMI (ELEKTRON JURNAL)

Ilmiy nashr
2023-yil oktyabr oyi soni №10 (48)

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2019-yil 28-martdagi 263/7.1 va 263/7.4-son qaroriga binoan tashkil etilgan.

Elektron jurnalga kelgan maqolalarga javob qaytarilmaydi, jurnalda e‘lon qilingan maqolalardan olingan parchalar O‘zA Ilm-fan bo‘limi (elektron jurnal)dan olindi, deb ko‘rsatilishi shart.

Elektron jurnalga bir yarim oraliqdagi materiallar “Microcoft Word” redaktori, “Times New Roman” shriftida elektron versiya shaklida qabul qilinadi.

Tahrir kengashi

A.Ko‘chimov
A.Asqarov
D.Yu.Yusupova
A.X.Saidov
T.O‘.Aripova
Q.R.Allaev
S.M.Turobjonov
Sh.T.Qudratxo‘ja
N.A.Husanov
N.K.Achilov

Q.Sh.Omonov
A.S.Sagdullaev
S.S.G‘ulomov
F.G.Nazirov
R.D.Kurbanov
M.H.Rustamboev
N.M.Mahmudov
I.S.Saifnazarov
N.X.Oblomurodov
G.A.Mardonova

Tarix

БУХОРО ВОҲАСИДА НИКОҲ ТҶИИ ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАР **Хосият Равшановна НАФИДДИНОВА**

Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Бухоро давлат Университети
Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоро воҳасига хос кўплаб урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассам этган никоҳ тўйи маросимларининг ўтказилиш тартиби тўғрисида маълумот берилган. Никоҳ маросимларининг шартли равишда таркибий жиҳатдан бўлиниши, уларнинг ҳар бири яна кўплаб урф-одатларни ўз ичига олиши ҳақида мулоҳаза юритилган.

Таянч сўзлар: этнографик белги, маросим, урф-одат, никоҳ, совчилик, эндогамия, тўй, нон синдириш, “ширинхўри”, “оклик”, “падар оши”, “жомапўшон”.

СВАДЕБНАЯ ЦЕРЕМОНИЯ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ И СВЯЗАННЫЕ С НЕЙ ТРАДИЦИИ И ОБРЯДЫ

Хосият Равшановна НАФИДДИНОВА
Доктор философии (PhD) по историческим наукам
Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан

Аннотация

В этой статье приводятся сведения о порядке проведения свадебной церемонии, воплощающей в себе многочисленные обряды и традиции в Бухарской области. Приводятся суждения о том, что свадебные церемонии условно делятся на виды, которые охватывают многочисленные традиции.

Ключевые слова: этнографический символ, церемония, обычаи, брак, сватовство, эндогамия, свадьба, обручение, обряды “ширинхури”, “оклик”, “падароши”, “жомапўшон”.

Жаҳон мамлакатларининг маданий тараққиётида оила, оилавий муносабатлар ва маросимларнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутди. Қатор янги илмий тадқиқотларда бутун этномаданий жараёнларни ўрганишда янгича баҳолаш тизими пайдо бўлди. Янги институт – оила, оилавий қадриятлар тизими шаклланди. Бу борада оила мустақамлигини таъминлашга қаратилган инновацион ёндашувлар механизми, жумладан, оилада шахслараро муносабатларда онанинг ўрни, ўсмирлар хулқ-атворининг ижтимоий-психологик хусусиятлари, болалар ва ўсмирлар тарбияси ҳамда оила билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни бартараф этишда миллий қадриятларнинг ўрни каби

муҳим омилларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бухоро воҳасида ҳам никоҳ муқаддас битим, оила эса бузилмас кўрғон деб тушунилади. Никоҳ оиланинг асосини ташкил қилгани учун ҳам уни тузиш ҳар доим жамият ва давлат томонидан алоҳида муҳофаза қилинган. Никоҳ оиланинг ахлоқий, ҳуқуқий асоси ҳисобланиб, оилада эр ва хотин ўртасидаги муносабатларни меъёрга солади ва уларнинг жамият олдидаги масъулиятларини ҳис қилишларига кўмаклашади.

Бухоро воҳасида баъзи оилаларда уруғ ичидаги никоҳ, яъни, қариндошлар орасидаги никоҳ турлари учрайди ва бу “эндогамия” деб номланади. Айниқса, оиладаги кенжа фарзандларга нисбатан бу одат кўп учрайди. Бундан кўзланган мақсад, мол-мулк бегонанинг қўлига ўтмасин дея қариганда қайнона ва қайнотанинг аҳволидан бохабар бўлишга ишора қилинади. Бундан ташқари, катта ёшли кишилар орасида “хўжа хўжага, қул қулга қиз олиб, қиз бериш” одатига қаттиқ амал қилинганлигини таъкидлашади [1]. Воҳанинг баъзи ҳудудларида бу одат каста – табақачилик даражасигача кўтарилгани маълум бўлди [2].

Никоҳ тўй билан элга маълум қилинади. Тўй барча халқларнинг қадимий маросимларидан бири ҳисобланади.

Тўй – бу кўпчилик тўпланиб ўтказиладиган оммавий маросимдир [3, 113].

Ўзбек никоҳ маросимлари хурсандчилик – тўйга асосланган, унда шодиёналик, кўтаринкилик кайфияти ва ҳис-туйғулар намоён бўлади. Никоҳ ёшлик, гўзаллик, келажакка яхши умид ва эзгу орзулар рамзи сифатида ўтказиладиган ажойиб оилавий байрамдир.

Муқаддас динимиз – ислом динида ҳам никоҳни ҳаммага эшиттириб, тўй қилишга руҳсат берилган. Ҳатто доира ва чилдирма чалиш билан тўй маросимини хурсандчиликда ўтказишга чорланган.

Никоҳ маросимларини таркибий жиҳатдан шартли равишда уч гуруҳга бўлиб кўрсатиш мумкин:

никоҳ кунигача ўтказиладиган маросимлар;

тўй билан боғлиқ маросимлар;

тўйдан кейинги маросимлар, яъни, “келин салом”, “домод талбон”, “жой йиғди” ва хоказолар.

Тарихий маълумотларга кўра, Бухоро амирлигида никоҳ маросимлари совчилик, нон синдириш, фотиҳа тўйи, никоҳ тўйи ва чақирдиқлардан иборат бўлган. Ҳар бир маросим ўз ичига кўплаб урф-одатларни қамраб олган. Бухоро воҳасидагина амал қилувчи урф-одатлар ҳудуддаги ўзига хосликни кўрсатади.

Бухоро воҳасида ўзбеклар билан бир қаторда тожик тилида сўзлашувчи аҳолининг тинч осуда яшаганлиги маросимларнинг номланишида ҳам ўз аксини топган десак, муболаға бўлмайди. Жумладан, аҳоли орасида “нон синдирди” (“нон шиканон”), “ширинхўри”, “оқлик” (“сафеди”) ва “рўмол (рўмолча) берди” маросимлари учрайди.

Никоҳ тўйи зоҳиран бизнинг кўзимизга бир тўй каби кўринса ҳам, лекин ҳақиқатда ўзи беш тўйдир. Чунки, “Нон шиканон”, “Фотиҳа”, “Никоҳ”, “Рўйи бинон” (“Юз очди”) ва “Домод талбон” (“Куёв чақирди”)нинг ҳар қайсиси бир тўйдир [4].

Энди маросимларнинг ҳар бирига қисқача тўхталиб ўтсак. Никоҳ маросими аввало совчиликдан бошланади. Совчилик – бирор хонадоннинг вояга етган қизини келинликка сўраб бориш одати бўлиб, муайян маънода никоҳ тўйи маросимининг дебочаси ҳисобланади. Воҳада совчилик учун кўпроқ чоршанба ва шанба кунлари танланади. Бу вазифани бажарувчилар “совчилар” деб аталган.

Қадимги Бухорода аҳоли орасида катта обрўга эга, мартабаси баланд, оқила аёллардан совчи танланган. Совчининг бажарадиган иши анча мушкул бўлиб, унинг гапга чечан, маҳоратли ва тажрибали бўлиши керак бўлган. Чунки бир оиланинг хонадонига оёқ босиш, бировнинг кўнгил қулфини очиш жуда мушкул ва оғир вазифадир [5, 43]. Одатда, совчилар қиз танланган оила тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши ҳам совчиликнинг асосий шартларидан бири ҳисобланган. Йигит улғаяётган хонадонда уни уйлантириш фақат ота-онанигина эмас, балки яқин қариндош, дўсту биродарларнинг ҳам ташвиши ҳисобланади. Шунга кўра, йигитга муносиб қизни кўз остига олишган ва йигитнинг онасига унинг дарагини етказишган. Шаҳарда совчилар йигитнинг онаси, аммаси ёки холаларидан бири ёки бошқа аёл билан мўлжалланган қиз хонадонига ташриф буюриб, “меҳмонга келдик” баҳонаси билан қизни кўрадилар. Айни вақтда уй-жой, ҳовлининг тозалиги, саранжом-саришталиги, дастурхон безалиши ва уй эгаларининг меҳмондўстлигига разм соладилар. Қизнинг онаси билан суҳбатлашиб, “онасини кўру, қизини ол” мақолига амал қиладилар. Кўп жойларда совчилар қиз томонни унинг қўни-қўшниларидан сўраб-суриштирадилар. Қишлоқларда яшовчилар бир-бирларининг фарзандларини яхши билганлиги учун совчиликка ўзлари бормай, маҳалла вакили ёки қариндошларидан 2-3 нафар кишини юборишган. Қиз томон таниш-билиш ёки қариндош бўлса, совчилар икки-уч боргач, фотиҳа тўйи белгиланиши мумкин. Агар нотаниш бўлса, қиз томон ҳам сўраб-суриштириб, бир қарорга келгунига қадар, йигит томон ўз элчиларини юбориб туради. Шарқона одобга кўра, йигитнинг онаси ўз ўғли ҳақида гапириши, унинг яхши томонларини кўрсатишга уриниши яхши саналмайди. Ўзбекчилик одобига кўра, совчилар ва қиз томон бир-бирлари шаъниларига тегадиган гап қилмайдилар. Зарур бўлса, ҳатто рад жавоби ҳам оғир ботмайдиган ва кишини бездирмайдиган қилиб етказилади.

Совчилик аксарият аёллар иши, шароитга қараб ўртага баъзан эркаклар ҳам борадилар. Совчиларни маъжозий маънода “элчилар” деб аташади. Воҳада қиз томон розилик билдиргач, совчилар шу розиликка олдиндан махсус тайёргарлик тарзида дастурхон (патир, ширинлик, мева, баъзан қизга, унинг ота-онасига сарпо) қилиб борадилар. Совчилар ҳузурида қиз ва йигит бир-бирига унаштирилганлиги эълон қилинади ва бу қарорнинг муқаддаслигини таъкидлаш маъносида совчилар келтирган дастурхон очилиб, нон синдирилади. Ҳар икки томоннинг розилиги олинганидан кейин турли байрамлар ва махсус кунларда куёв томон келинникига таом пишириб, катта никоҳ тўйи ўтгунча дастурхонлар билан доимий ташриф буюриб турган. Жавоб олинганидан кейинги биринчи ташрифга катта лағанда “ситора палов” деб юритилган палов пишириб олиб келинган. Аҳоли орасида бу палов атрофини тухумлар билан безатиш асосий шартлардан бири бўлган. Паловнинг устига пиширилган товук ҳам қўйилган. Ахборотчиларнинг маълумот беришича, товук ва тухум оиланинг серфарзандлигига ишора бўлган [6].

Ҳайит байрами арафасида эса албатта бўлажак келинга “ҳайитлик” дастурхони юборилган. Бу дастурхон таркибига келинга турли сарполар билан бир қаторда сақич, кўзмунчок, хина, ўсма, турли қадимий китоблар бўлиши лозим саналган. Жавоби олинган келинга “ҳайитлик” юбормаслик эса доим қораланган. Бундан ташқари байрамлар арафасида келин хонадонига “байрамлик” дастурхони ҳам юбориб турилган.

Халқ орасида кенг тарқалган маросимлардан бири бу – нон синдирди маросими бўлиб, воҳада “нон шиканон” номи билан машҳур. Биламизки, нон ўзбек халқи учун кадрли неъматлардан бири ва у ҳар доим эъзозда бўлган. Айнан шу сабабли ҳам никоҳ маросими

таркибидаги “нон синдириш” удуми алоҳида аҳамиятга эга. Никоҳ маросимларида нон билан боғлиқ кўплаб иримлар ҳам мавжуд. Нон синдириш отанинг совчи юборган оилага қизини узатишга рози эканлиги, ваъданинг қатъий ва муқаддаслигини, шунингдек, куёв-келин, куда оилалар аҳил бўлишига билдирилган истакни ифодалайди.

“Нон синдириш”да нонлар жуфт синдирилган. Бу келин ва куёвни қўша қаришига тилак сифатида билдирилган. Шу сабабли ҳам бу маросим серпуштлик ғояси билан боғлиқ. Маросимда камтарона дастурхон тузалган. Синдирилган нон бўлаклари даврадаги эркакларга ва қўшни хонада ўтирган аёлларга тарқатилган. Воҳа аҳолиси орасида нон синдирилганидан кейин қизнинг боши боғлиқ, деб ҳисобланган.

Нон синдириш маросимидан сўнг “оқ ўрар” («сафеди») маросими ўтказилиб, унда энг яқин ва табаррук қариндошлар иштирок этган ва икки томоннинг куда бўлишига розилик белгиси сифатида оқлик берилган. Аҳоли орасида маросимнинг бундай номланишига бир қанча сабаблар бўлиб, келин уйига келтирилган маҳсулот ранги билан ҳам боғлиқ. Оқлик таркибига баъзан кийим-кечаклар киритилса, баъзан ширинликлар киритилган. Келин учун келтирилган бахт кўйлагига ишлатиладиган мато ҳам оқ рангда бўлган. Оқ ранг қадимдан поклик ва бахт рамзи ҳисобланиб, уни ёши улуғ, серфарзанд, ували-жували аёллар тикишига ҳам алоҳида эътибор берилганлиги рамзий маъно касб этган. Яъни, бўлажак келин бахтли, серфарзанд-сердавлат бўлсин деган маънода. Воҳада оқлик маросимини баъзан “ширинхўри” деб ҳам аташади. Чунки келтирилган ширинликлар орасида ҳолваларнинг (оқ рангли) бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Бу маросимнинг барча харажатлари куёв томоннинг зиммасида бўлади. Дастурхонга тортиладиган барча маҳсулотлар ҳам куёв томонидан келин хонадонига маросимдан бир кун олдин юборилади. Маросимга олиб келинган ҳолва ва патирлар дастурхон атрофида йиғилган барча меҳмонларга тарқатилади.

Маросимнинг таркибий қисмларидан бири – бу келиннинг чимилдикқа киядиган воҳада “бахт кўйлак” номли оқ кўйлакнинг бичилиши ҳисобланиб, “парчабурон” номи билан ҳам аташади. Ушбу кўйлакка серфарзанд, сердавлат, бир никоҳли, ували-жували ёши улуғ момолар томонидан қайчи урилган. Бу билан бўлажак келинчак ҳам шу ёши улуғ момодек бўлишига тилак билдирилган. Меҳмонлар ҳам шундай кунларга эришишни ният қилиб, дуо қилишган.

Жавоб берди маросими асосан эркаклар орқали амалга оширилади. Яъни, куёв томонидан келган ёши улуғроқ эркаклар (отаси, бобоси, тоғаси) келин томоннинг уйига келиб келиннинг отаси билан учрашган. Келиннинг отаси бўлмаган тақдирда (вафот этган бўлса) бу вазифани бошқа киши (келиннинг акаси, тоғаси, бобоси) амалга ошириши мумкин бўлган. Эркаклар томонидан олинган жавоб одатда, қатъий бўлган ва бу қарор ўзгартирилмаган. Аммо афсуски, XIX аср охири ва XX аср бошларида кўп ҳолларда қизнинг розилиги олинмаган ва ундан никоҳга розилиги тўғрисида фикри сўралмаган. Бу эса, айрим мутаассиб оталар томонидан қизларининг сотилишига ҳам сабаб бўлган. Шу каби маросимлар ўтказилганидан кейин томонларнинг молиявий имкониятлари инобатга олиниб, никоҳ тўйи кунни белгиланган.

Никоҳ тўйи маросимлар ичида энг каттаси ҳисобланиб, унда келин ва куёвнинг барча қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари, кўни-қўшнилари, таниш-билишлари йиғилиб, катта базм уюштирилган. Шундан сўнг бир-бирига бегона бўлган икки томон куда-андачилик муносабатларига киришган. Масалан, профессор Фатхия Икромова ўзининг “Память сердца” асарида никоҳ маросимида алоҳида тўхталиб, Бухорода никоҳ маросими жуда ҳам гўзал ва тантанали бўлиб, у келин ва куёвни бутун умр ёдида

қолиши учун нишонланганлигини айтиб ўтади [7, 47-65]. Никоҳнинг муқаддаслиги шу урф-одатларнинг юксак эъзозланиши билан намоён этилади.

Никоҳ маросими қизнинг отасининг уйидаги карнай-сурнайлар садоси билан бошланади. Воҳа аҳолиси орасида “падар оши” ёки “наҳор оши” номи билан юритилади. Тўйда асосан эркаклар иштирок этади. Қуёш чиқмай туриб катта дошқозонда ош дамланади. Воҳанинг барча худудларида “оши софи” (софи ош) номи билан машҳур анъанавий маросим таоми пиширилишига аҳамият берилган [8, 101]. Ҳар томонлама қулай бўлгани учун таом мис қозонда махсус ошпаз томонидан пиширилган. Ошпаз эркак бўлгани учун унинг ёрдамчилари ҳам эркак кишилар бўлиб, оши софининг масаллиқлари никоҳ тўйида жуфт бўлишига аҳамият беришган. Бунда ҳам рамзий маъно бўлажак келин-куёвларнинг қўша қаришига ишорадир.

Куёвнинг уйида “Жомапўшон” (тўн кийдириш) маросими ўтказилган. Маросимга куёвга бошдан оёқ сарпо кийдирилган. Унга чопон, дўппи, оёқ кийимни кийдириш, белини белбоғ билан боғлаш қариндошлардан ёши улуғ, серфарзанд, сердават кишига ишонилган. Маросимда палов пиширилиб, йиғилганлар меҳмон қилинган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, никоҳ маросими Шарқ халқлари ҳаётида алоҳида ўринга эга. Бу мавзуга ислом динига ва унинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони Каримда ҳам алоҳида урғу берилган. XIX аср охири XX аср бошларида Манғитлар ҳукмронлиги даврида Бухоро воҳасида оила, оилавий муносабатлар ислом дини ва шариат ҳукмига асосланган. Шунингдек, минг йиллар давомида шаклланган урф-одат ва маросимлар ҳам халқ ҳаётининг ажралмас қисми бўлган. Маросимларнинг ҳар бири ўзида кўплаб рамзлар, маънолар ва эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатларни мужассамлаштирган. Шунинг учун ҳам ушбу маросимлар бугунги кунгача авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтиб келмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Вобкент тумани. 2022 йил.
2. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри. 2022 йил.
3. Маҳмуд Саттор. Ўзбек удумлари. – Тошкент, 1993. –
4. Ҳожи Муин. Тўй ва аза маросими ҳақида // Меҳнаткашлар товуши, 1919 йил 22 март.
5. Қаюмова Г. Унутилмас қадриятлар. – Бухоро: Бухоро, 2007.
6. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри. 2020 йил.
7. Икрамова Ф. Память сердца. – Польша, 2012.
8. Қурбонова М. Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларининг анъанавий таомлари (XIX аср охири XX аср бошлари). Тарих фанлари номзодини олиш учун номзодлик дисс. – Тошкент, 1994.



Filologiya

Sh.RAHMONOVA. Qadimgi davr epik poeziyasi va o‘lchov birliklari	106
Y.X.MADALIEV. Abay Qo‘nonbaevning Sharq adabiyotiga qo‘shgan hissasi haqida ba’zi mulohazalar.....	112
G.A.MARDONOVA. Фольклор свадебных обрядов и их историко-сравнительная типология	117
S.ShAMAQSUDOVA. Matn va mediamatn tushunchasi, mediamatnlarning asosiy toifalari va tipologiyasi	122
B.A.QARShIEV. Ong oqimi badiiy mezon sifatida	129
V.SULTONOVA. Ibrohim G‘afurov talqinida Mashrab	134

Tarix

X.R.NAFIDDINOVA. Buxoro vohasida nikoh to‘yi va u bilan bog‘liq marosimlar	139
Y.A.GAYBULLAEVA. O‘zbek ayollari milliy kiyimi transformatsiyasi sabablari	144
A.MIRZAEV. Mustamlakachilik davrida Farg‘ona viloyati tajriba paxta plantatsiyalari tarixining arxiv hujjatlarida yoritilishi	150
M.RUZIKULOVA. Markaziy Farg‘ona suv xo‘jaligi qurilishiga kapital mablag‘lar sarflanishining ortib borishi va undagi muammolar (XX asrning 50-80-yillari misolida).....	155
K.S.KARIMOV. Историко-правовое исследование документов о социальных отношениях колониального периода в Туркестане.....	162
D.R.NORMURODOV, B.I.ISABEKOV. Kumushkondan yangi topilgan qadimiy qabr-qo‘rg‘on to‘g‘risida mulohazalar	167
S.J.MIRZAXALOV. Yoshlar tadbirkorlik faoliyatini yo‘lga qo‘yishda bank kreditlarining ahamiyati	173
Sh.G.ISLAMOV. Islohotchilik harakatining manbashunoslik tahlili.....	180
A.MAMADJANOV. Muhammad Vafo Karmanagiyning “Tuhfat ul-xoniy” asarida siyosiy munosabatlarning yoritilishi	186
U.ISMOYILOV. O‘rta Ohangaron shaharlarining qadimgi va o‘rta asrlarga oid qabristonlari (Suyurlitepa yodgorligi misolida).....	192
P.A.NABIEV. Farg‘ona vodiysi tojiklarida motam marosimlarining etnolokal xususiyatlari	201
M.MUXIDDINOVA. Muhammad Rahimbiyning Buxoro amirligi tarixidagi o‘rni (“Tarixi Xumuliy” va boshqa tarixiy asari misolida)	207